

I. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2018 йил январь-март ойларида 1679,8 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-март ойларида 1236,0 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,8 фоизни ташкил этган.

2018 йил январь-мартда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2017 йил январь-мартга нисбатан фоизда	Якунга нисбатан фоизда
--	-----------	--	------------------------

Чакана товар айланмаси	1679,8	101,9	100,0
------------------------	--------	-------	-------

шу жумладан:

Йирик савдо корхоналари	134,9	139,7	8,0
Кичик корхона ва микрофирмалар	309,0	102,4	18,4
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1236,0	98,8	73,6

Жами чакана савдо айланмасидаги йирик корхоналар улуши 8,0 фоизни, кичик корхона ва микрофирмалар 18,4 фоизни, савдо фаолияти билан шуғулланувчи жимоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар 73,6 фоизни ташкил этиди.


Чакана савдо товар айланмаси таркиби (2018 йилнинг январь-март ойларида)



**2018 йилнинг январь–мартда чакана савдо
товар айланмаси таркиби**

	<i>Млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январь– мартга нисбатан фоиз ҳисобида</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Жами	1679,8	101,9	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
йирик корхоналар	134,9	139,7	8,0
кичик тадбиркорлик	1545,0	99,5	92,0
<i>шундан:</i> уюшмаган савдо товар айланмаси	1236,0	98,8	73,6

Чакана савдо айланмаси таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 22,5 млрд. сўмга етди ёки 2017 йил январь-март ойларига нисбатан 102,4 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) ахоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 0,8 фоизга ошди ва 621,2 минг сўмни ташкил этди 2018 йилнинг январь-мартида чакана савдо товар айланмаси 1679,8 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 101,9 фоизни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 134,9 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,0 фоизни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 102,4 фоизга кўпайиб, 309,0 млрд. сўмга етди, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 18,4 фоизни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 1236,0 млрд. сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 98,8 фоизни ташкил этди. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 73,6 фоизни ташкил этди.